



« 13 » ШУНДА 2015 й.

Наманган шаҳри

23/4-5 - сонли

Наманган вилояти ҳудудида 2015 йил учун жорий қилинган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда), “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2270-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 590-модда) ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти ҳудудида:

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 1-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2-иловага мувофиқ;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган вилояти ҳудудидаги маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг ставкалари қуйидагича белгилансин:

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси корхоналар ихтиёрида қоладиган соф фойданинг 8 фоизи миқдорида;

алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси йиғимининг ойлик ставкаси алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ихтисослаштирилган улгуржи шароб савдо базаларига қарашли савдо дўконлари ҳамда Наманган шаҳри ва вилоятнинг қолган ҳудудларида алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилувчи юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 (беш) баробари миқдорида;

Наманган шаҳри ва вилоятнинг қолган ҳудудларида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси йиғимининг ойлик ставкаси энг кам ойлик иш ҳақининг 5 (беш) баробари миқдорида;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси йиғимининг ойлик ставкаси юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 (уч ярим) баробари миқдорида;

автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар бир ой учун Наманган шаҳрида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 (уч) баробари, бошқа аҳоли пунктларида энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдорида тасдиқлансин.

3. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда маҳаллий солиқ ва йиғимларни йиғиш ваколатига эга бўлган ташкилот раҳбарлари зиммасига ўз ҳудудларида тушумларни тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (О.Бойбоев)га вилоят ҳудудида жорий қилинган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисобланиши, тўланиши, шунингдек тегишли рухсат гувоҳномаларсиз фаолият юритилишини олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг ушбу қарори “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳайиталиев зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши раиси, вилоят ҳокими**



Б. Юсупов

**Якка тартибдаги тадбиркорлардан
олинадиган қатъий белгиланган солиқ
СТАВКАЛАРИ**

Т.р	Фаолият турлари	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам ойлик иш ҳақиға қаррали миқдорларда)	
		Наманган шаҳрида	Бошқа аҳоли пунктларида
1.	Чакана савдо:		
	Озиқ-овқат товарлари билан	6,0	3,0
	Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан*	4,0	2,0
	Ноозиқ-овқат товарлари билан	6,5	3,0
	Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	3,0	0,5
	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шоҳобчалардаги аралаш савдо)	6,5	3,0
2.	Маиший хизматлар	1,5	0,5
3.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	1,5	1,0
4.	Фаолиятнинг бошқа турлари	1,5	1,0
5.	Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар:		
	3 тоннагача юк кўтариш қувватиға эга юк автомобиллари учун	2,0	
	8 тоннагача юк кўтариш қувватиға	3,0	

	эга юк автомобиллари учун	
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	4,0

* Уй хўжалиги, шу жумладан, деҳқон хўжалигида парваришланган тирик ҳайвонларни (чорва моллари, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқлар ва бошқалар) ҳамда уларни сўйиб, хом ёки қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотларни, саноатда қайта ишлашдан ташқари, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган кўринишда (манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотларидан ташқари) сотиш бундан мустасно.

Солиқ солишдан озод этиш солиқ тўловчи томонидан давлат ҳокимиятининг жойлардаги тегишли органи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган, сотилган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёхуд унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этиш шарти билан амалга оширилади.

Изоҳлар:

1. Қатъий белгиланган солиқ ставкалари йил бошига - 2015 йил 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақидан (118400 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.

2. Жисмоний шахс:

а) бир неча фаолият тури билан шуғулланса, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида солиқ тўлайди;

б) тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналар ва бинода амалга оширса, яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ижарага берувчи тўғрисидаги маълумотнома (ахборот) тақдим этиши шарт;

в) давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, солиқни рўйхатдан ўтказилган жойда ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда белгиланган ставкалар орасида энг юқори ставка бўйича рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тўлайди.

3. Жисмоний шахслар томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органларига тегишли фаолият тури бўйича бир йил учун ҳисобланган қатъий белгиланган солиқ ундирилади, агар давлат

ҳолатлари аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида жисмоний шахс яққа тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳоллар бундан мустасно. Бундай жисмоний шахсга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда қатъий белгиланган солиқнинг ҳисобланган йиллик суммасини ўн икки ой мобайнида ушбу давр учун қатъий белгиланган солиқ бўйича келгуси солиқ мажбуриятлари ҳисобига тўлаш ҳуқуқи берилади.

4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан олган даромадларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2270-сонли қарорининг 8-илоvasида кўрсатилган солиқ солиш шкаласининг энг кам ставкаси бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

**Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик
шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий
белгиланган солиқ
СТАВКАЛАРИ**

№	Фаолият турлари	Солиқ тўловчилар	Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар	Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам ойлик иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда)	
				Наманган шаҳрида	Бошқа аҳоли пунктларида
1	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш	Юридик шахслар	Эгаланган майдон (1 квадрат метр)	0,06	0,04
2	Болалар ўйин автоматлари	Юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)	2,0	1,0

Изоҳлар:

1. Қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига - 2015 йил 1 январга белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи (118400 сўм) миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг йил давомидаги ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилмайди.

2. Такдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган тақдирда бундай ҳолатларга солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида қаралади.

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2015 йил “13” июндаги
23/4-5 -сонли қарорига
3-илова

**Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар
учун белгиланган ижара тўловининг энг кам
СТАВКАЛАРИ**

Ижарага берилаётган мулк тури	Ижара ҳақининг ойлик энг кам миқдорлари, сўмда	
	Наманган шаҳрида	Бошқа аҳоли пунктларида
Бино:		
Тура-жой	2 000	1 000
Нотура-жой	4 000	2 000
Автомобил транспорти:		
Енгил автомобил (йўловчи юк ташиш учун мўлжаланган ва ўриндиқлари сони ҳайдовчиси ҳисобга олмаган ҳолда 8 та жойдан кўп бўлмаган автотранспорт воситалари, ҳайдовчи жойини ҳисобланмаган ҳолда)	1 та транспорт воситаси учун	220 000
Микроавтобуслар, автобуслар ва юк автобуслари		430 000

Изоҳ. Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўланилади.